

## TECHNOLOGY OF FOLK CRAFTS

**Yakubova Markhabo Yusufovna**

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Lecturer at the Department of "Technological Education"

*e-mail: [marxabo.yakubova72@gmail.com](mailto:marxabo.yakubova72@gmail.com)*

### **Annotation**

The article introduces the methods of designing the teaching process of the section "Technology of folk crafts".

### **Keywords:**

Technology, creative thinking, applied arts, spiritual heritage, creative activity. The system is categorized from the principles of traditional, cultural, spiritual heritage, methodological foundations, non-traditional, success in the process, comprehensibility, systematicity, consciousness and activity, the principle of approach.

### **Кириш.**

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Бу борада давлатимиз биринчи раҳбарининг 2010 йил 30 мартағи "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш түғрисида"ги Фармони, айникса, дастури амал бўлмоқда. Натижада ҳунармандларимиз томонидан тайёрланган буюм ва маҳсулотлар нафакат юртдошларимизни, балки хорижликларни ҳам ўзига мафтун этаётир. Асосийси, ҳунармандчилик бугун аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш орқали оиласлар фаровонлигини оширувчи муҳим йўналиш сифатида ҳам ўзини намоён қилояпти.

### **Асосий Қисм**

"Халқ ҳунармандчилиги технологияси" бўлимими ўқитиш жараёнини лойихалаш

Ўзбек ҳалқининг кўп асрлик тарихида ҳалқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг-бараг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Ўлкамиз заминидаги тарих қатламларини қазишилар натижасида топилган ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, инсоннинг жисмга бадиий ишлов бериши усулида буюм яратиш фаолияти тош асридаёқ бошланган бўлиб, асрлар оша ҳозиргача узлуксиз давом этиб келмоқда.

Ўзбек ҳалқ амалий санъати қадимилиги ҳамда бой маданияти билан бутун дунёга машҳурдир. Унинг ер усти ва тупроқ остидаги қисми улкан бир тарихий музей. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, Фарғона ва бошқа шаҳарлардаги ҳар бир тарихий обида, ҳар бир ҳалқ амалий безак санъати намунаси бобокалонларимиз яратган баркамол, тақрорланмас, теран мазмунли ва тарихий бебаҳо санъат асарлари, жаҳон маданиятининг дурданаларидан бўлган бадиий ва маънавий меросни ташкил этади. Асрлар давомида:

- таълим тизимида анъанавий тарбия ва билим "бериши" методларининг салмоғи ҳамон юқори даражада сақланиб қолаётганлиги;

- умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим ўқув режсаларида кўзда тутилган таълим предметларининг ёшларда мустақил илмий-ижодий фикрлашишини фаоллаштириши имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги;

- ёшларда мустақил-ижодий фикрлашини шакллантиришига оид ишилаб чиқилган назарий ишланмаларни амалиётга кенг кўламда жорий этиши йўлларининг асослаб берилмаганлиги.

Бу эса ўқувчи ва талаба ёшлар шахс сифатларини фаоллаштиришнинг методологик асосларини яратиш, уни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқишига қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш заруратини юзага келтиради.

Қайд этилган муаммолар ечимини топишнинг икки йўналишини таклиф этиш мумкин.

*Муаммони ҳал этишининг биринчи йўналиши қўйидагича мазмунга эга:*

Мустақил илмий-ижодий фикрлаш сифатларини фаоллаштиришда бошланғич таълим мухим ўрин тутади, чунки худди шу даврда шахс, унинг қизиқишилари, мойилликлари шаклланиши учун пойдевор яратила бошлайди. Жамият учун мустақил, танқидий фикрлайдиган, харакат қила оладиган ижодкор шахслар жуда асқотаётган ҳозирги кунда ўқувчилар ижодий қобилияtlарини ривожлантириш педагогиканинг долзарб муаммоси бўлиб турибди. Ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибаларини ўзлаштиришлари учун таълим жараёнида фаол ақлий изланишни талаб қиласиган муаммоли вазиятларни вужудга келтириш зарур. Ижодий фаолият тажрибаларини ўқитувчини тайёр ахбороти орқали ҳосил қилиш мумкин эмас, чунки ўқитувчи муаммоларни ўзи ҳал қиласа, ўқувчилардаги қизиқиш, муаммоларни ҳал қилишга бўлган интилиш, сўнади, ўз билимларини янги кутилмаган вазиятларда қўллаш имкониятидан маҳрум бўлади.

Ноанъанавий таълим ўқувчиларни факат билим, кўникма, малакалар билан қуроллантиришни кўзда тутмасдан, балки дарсда вужудга келтирадиган муаммоли вазиятларни ўқувчилар аввал ўзлаштирган билим, кўникма, малакаларни кутилмаган вазиятларда ижодий қўллашлари орқали ижодий фаолият тажрибалари, ўқувчиларнинг мустақиллиги, ўқув-билиш мотивларини, мантиқий фикрлашни ривожлантиришга, мустақил изланиш йўлини ўзлаштиришга имкон берадиган мураккаб жараёндир.

Ўқувчилар мустақил фикрлаш қўникмаларини шакллантириши ноанъанавий таълим жараёнида муваффақият билан қўлланиб келаётган таълим принциплари: илмийлик, тушунарлилик, системалик, ўқувчиларнинг онглиги ва фаоллиги, узвийлик, кетма-кетлик, ўқувчиларнинг ижодий мустақил ишлари принципи, ўқувчиларга индивидуал ва табақалаштирилган ёндошув принципи, ўқув ишларини инсонпарварлаштириш принципларидан фойдаланишни тақозо этади.

## Хуноса

Таълим технологиялари ўқитиш сифатини яхшилаш, “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи (педагог) ва таълим оловчи (ўқувчи, ўқувчи)лар, ўқувчи (ўқувчи) ва ўқувчи (ўқувчи)лар гурухи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим оловчи (ўқувчи, ўқувчи)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда мухитни яратишда катта имкониятларга эга.

## Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати

- Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.
- Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.  
3.
- Булатов С.С. Ўзбек халк амалий-безак санъати. Ўкув услубий қўлланма. Т. 1991й